

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 30 апрель • сешанба № 17 (857)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz www.insonvaqonun.uz www.insonvaqonun.adliya.uz

## Адлия вазирлигида Галдаги вазифалар белгилаб олинди



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазирлигининг кенгайтирилган Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

АДЛИЯ ВАЗИРИ Н.Йўлдошев бошқарган мажлисда адлия органлари ва муассасалари томонидан 2013 йилнинг 1-чораги мобайнида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги муҳим вазифалар атрофида муҳокама қилинди.

Мажлисда адлия органлари ва муассасалари томонидан ҳисобот даврида қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди. Жумладан, 18 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан, 6 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. 235 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. Худудий адлия органлари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги фаолиятига услубий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам амалий ишлар қилинди.

Тадбиркорлар фаолиятида мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда фаолиятни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, юридик хизмат фаолиятини яхшилаш борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан қатор таклифлар ишлаб чиқилди. Қонунчилик ҳамда вазирлик ва идораларнинг норма ижодкорлиги фаолиятига услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида жойларда амалий семинарлар ташкил этилди.

Ҳайъат мажлисида айрим адлия органлари ва муассасалари томонидан фаолиятда йўл қўйилган хато ва камчиликлар, уларни бартараф этиш борасида амалга оширилган ишлар муҳокама этилди. Ижро интизоми борасида йўл қўйилган камчиликлар учун масъул раҳбарларнинг ахборотлари эшитилди.

Шунингдек, мажлисда Сирдарё ва Андижон вилоятлари адлия бошқармалари фаолиятини ўрганиш натижаси бўйича таҳлил якунларига оид масалалар муҳокама этилди. Таъкидланганидек, мазкур адлия бошқармалари томонидан фаолият самарадорлигини ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилгани ҳолда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Иш режаларини тузиш, юридик хизмат фаолиятини самарали ташкил этиш, ўтказилган ўрганишлар бўйича таъсир чораларини қўллаш, адвокатура фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ишлар танқидий жиҳатдан атрофича таҳлил этилди. Йиғилишда соҳа фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда камчиликларни бартараф этиш борасида масъул раҳбарларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Ҳайъат раиси томонидан мажлисда жорий йилда ҳам қонун ижодкорлиги, вазирлик ва идораларнинг мазкур йўналишдаги фаолиятига услубий ёрдам кўрсатиш, давлат органларининг ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш, юридик касб-хўнар таълим битирувчилари бандлигини таъминлаш, ижро интизоми бўйича масъулият ва шахсий ташаббускорликни ошириш, шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни янада кенгайтириш, адлия органлари ва муассасаларнинг интерактив давлат хизматлари кўрсатиш йўналишини такомиллаштириш, юридик хизмат соҳасида қонунчиликни таъминлаш, "Обод турмуш йили" Давлат дастури ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган 2013 йилги устувор вазифаларнинг амалга оширилиши юзасидан қилиниши лозим бўлган вазифалар юзасидан зарур кўрсатмалар берилди.

Мажлисда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

## Қонун ижодкорлигини такомиллаштириш

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазирлигида "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги (янги таҳрирда) Қонуннинг мазмун-моҳияти" мавзусида илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

АНЖУМАННИ ўтказишда асосий мақсад — "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги (янги таҳрирда) Қонуннинг мазмун-моҳиятини, унга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни, янгиликларни кенг жамоатчиликка етказиш, норма ижодкорлиги фаолиятида вуқудга келувчи айрим муаммоларни ечимини топиш ҳамда норма ижодкорлиги фаолияти бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Унда қайд этилганидек, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири олдинги таҳрирдан ҳажми ҳамда мазмун жиҳатидан ҳам тубдан фарқ қилади. У ўз ичига нафақат янги моддаларни қамраб олди, балки бугунги куннинг воқелигидан келиб чиқиб, олдинги таҳрирнинг қўлаб қондаларини тўлдирди, бойитди ва янги мазмун берди.

Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига бўлган талаблар кучайтирилди. Хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда ишлаб чиқувчи зиммасига қонун ҳужжатларининг ҳолатини, лойиҳани тартибга солиш предмети бўйича қўланилиш амалиётини ўрганиш, ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган нуқсонлар ва зиддиятларни аниқлаш мажбурияти юклатилмоқда.

Ўзга чиққилар янги таҳрирдаги Қонунга биноан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари аниқлаштирилганлигини, яъни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бўйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисоблангани хусусида фикр юритилди.

Қонуннинг яна бир янги жиҳати, унга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш, тайёрлаш тартиби ва уларни экспертизадан ўтказиш масалаларига бағишланган алоҳида боб киритилган бўлиб, унда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашнинг режаларини (дастурларини) ишлаб чиқиши ҳамда тасдиқлаш имкончилиги тўғрисидаги қондалар ўз ифодасини топти.

Иштроқчилар таъкидлаганларидек, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги (янги таҳрирда) Қонуннинг қатор бўлим, моддалар ва нормалар билан тўлдирилиши ва унга тегишли ўзгаришлар киритилиши — энг аввало, таъкидланаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатли ишлаб чиқишига хизмат қилади.

Анжуманда қонун нормаларини амалиётда бир хилда қўллаш ва таъкид этишга қаратилган тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

## Бандлик — долзарб масала

# Битирувчиларни ишга жойлаштириш

барчанинг диққат-эътиборида туриши зарур

**СТАТИСТИК** маълумотларга қараганда, дунё миқёсида 50 мингдан ортиқ касб-хўнар мавжуд. Улар ер юзидagi аҳолининг турмуш эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим мажмуи.

ЎЗБЕК халқи азал-азалдан касб-хўнари, меҳнат-севарлик фазилати билан дунё миқёсида танилиб келган.

Бугун ёшларимизнинг ўз иқтидори, лаёқати ва қизиқишига мос ва хос хўнар илмини эгаллаши келгусида уларнинг фаровон турмушини таъминлаш демокдир. Миллий қадриятларимизнинг барча тамойиллари каби, ушбу мезон ҳам мустақиллик йилларида янада сайқал топди. Ҳуқуқий ҳужжатлар билан таҳкамланди. Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган **Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури**, "Таълим тўғрисида"ги Қонун моҳиятида ҳам ёш авлодни меҳнатсевар, бир неча касб-хўнар сирларини эгаллаган, маънавий ва жисмоний баркамол кишилар этиб, тарбиялашдек улғу мақсад муҳасам.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 сентябрдаги топшириғига мувофиқ Адлия вазирлигига ҳуқуқшуносликка ихтисослашган Нукус, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Фарғона, Тошкент шаҳри ҳамда ҳуқуқшунослик йўналиши мавжуд Бухоро касб-хўнар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Шунга кўра, Ҳукумат топшириғига мувофиқ Адлия вазирлиги раҳбарияти томонидан жорий йилнинг 16 апрель куни Наманган ва Фарғона, 17 апрелда Жиззах, 18 апрель куни Самарқанд ва Бухоро вилоятларида, 19 апрель куни Нукус шаҳрида ҳуқуқшуносликка ихтисослашган касб-хўнар коллежларининг битирувчилари, улар-



нинг ота-оналари, Ўрта махсус, касб-хўнар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг худудий бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, иш берувчилар, ўқувчилар амалиёт ўтаётган ҳамда бошқа манфаатдор идоралар масъуллари иштирокида учрашувлар ўтказилди.

Жорий йилнинг 26 апрелида "Ҳуқуқшунослик йўналишидаги касб-хўнар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш" мавзусида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги тадбирдан кўзланган бош мақсад ҳам битирувчиларни ишга жойлаштириш, уларни ва ота-оналарини қизиқтираётган масалалар ҳақида батафсил гапириб ўтди.

Дарҳақиқат, тадбирда фарзанднинг касб-хўнар қилотларнинг бу вазифага қанчалик тайёрлигини яқиндан билиш каби масалалардан иборат бўлди. Йиғилишда Адлия вазири ўринбосари Қўчқор Тоғаев давлатимиз томонидан таълим соҳасига қаратилаётган улкан эътибор натижаси ўлароқ соҳада эришилган ютуқлар салмоғи ва ечимини кутаётган масалалар ҳақида батафсил гапириб ўтди.

Мустақил ҳаётга эндигина кириб келаётган фарзандлар таълим-тарбиясида касбий билим билан меҳнатсеварлик, масъулиятни ҳис қила билиш, ҳалоллик каби инсоний фазилатлар уйғунлашсанига ёшларимиз келажак

порлоқ, турмуши фаровон ва жамиятда муносиб ўрнига эга бўлишадди. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат замирида айнан шу эзгу мақсад муҳасам толган. Тадбирда ёшлар келажак билан боғлиқ жиҳатлар кенг миқёсда муҳокама қилинди.

Бобур КАРИМОВ,  
Адлия вазирлиги  
масъул ходими

## Меморандум: Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлиги

# Хавфсизликка масъуллик зарур қоидага айланиши керак

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи, полковник Холматжон САЙДАЛИЕВ билан суҳбат

XXI аср — техника ва технологиялар асри. Шунга монанд ҳар бир соҳа жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Республикаимизда ҳаракат иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида ҳам қўлаб ўзгаришлар, янгиликлар жорий этилмоқда. Соҳага тааллуқли қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, мавжуд айрим меъририй ҳужжатларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Яқинда "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун кучга кирди. Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи, полковник Холматжон САЙДАЛИЕВ билан ушбу Қонуннинг мазмун-моҳияти, киритилган ўзгариш ва қўшимчалар хусусида суҳбатлашди.

— Аввало, Қонунни янги таҳрирда қабул қилишнинг зарурати, аҳамияти ҳақида тўхталсангиз.

— Мамлакатимизда автомобиль сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу эса ҳаракатланши хавфсизлигини таъминлаш ишларини кун тартибидagi асосий масалалар қаторига олиб чиқмоқда. Маълумки, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли қонун ҳужжатлари амалда мавжудлигига қарамадан, бугунги кунда

ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда айрим муаммолар юзга келмоқда ва уларнинг ечимини топиш давр талабига айланмоқда. "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси



Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун республикамиз ҳамда бошқа давлатларнинг йўл ҳаракати соҳасидаги тажрибаларини умумлаштириш асосида тайёрланди. Шунинг таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунга қадар амалда бўлган "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун бундан ўн уч йил аввал қабул қилинган эди. Демак, замон талабига монанд равишда Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш зарурати юзга келди.

Мазкур янги таҳрирдаги қонун фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкни муҳофаза этиш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, автомобилларда ташқи сифатини яхшилаш мақсадида тайёрланган бўлиб, у ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналиши ва принципларини, шунингдек, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ҳамда таъминлашнинг зарурий ва мақсадли йўналишларини белгилайди. Шунингдек, транспорт

воситалари ҳамда уларнинг қонун ҳужжатлари, автомобиль йўлларининг техник ҳолатига бўлган талабларни янада аниқлаштиради.

Қонунга "Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари", деб номланган янги модда киритилди. Ушбу моддага биноан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари сифатида: фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи муҳофазаси, уларнинг қонун





